

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЭКИНЛАРНИ ПАЙХОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ғалла экинлари нобуд бўлишининг олдини олиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайхон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжаликлар раҳбарлари қишлоқ хўжалик экинзорларида мол ва парранда боқиш, бу майдонлардан автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг ўтиши, мол ҳайдаб ўтиш ва экинларни нобуд қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолларга қарши курашни кучайтирсинлар.

2. Экинзорларнинг эгаси бўлган ёки бу экинзорлар хусусий мулки бўлган хўжаликлар раҳбарлари ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкорликда экинзорларни пайхон қилиш ҳолларини аниқлаш ҳамда бундай бузғунчиликка йўл қўймаслик мақсадида мунтазам равишда рейдлар ўтказиш топширилсин. Пайхон қилиниши ўнғай бўлган жойларда кузатув постлари ўрнатилсин.

Экинларни пайхон қилиш ҳоллари содир бўлганда мол, парранда, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки экинни пайхон қилган бошқа техника воситасининг эгалари тезлик билан аниқланиб, материаллар айбдорларни қонун ўрнатган тартибда моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширилсин.

3. Белгиланган қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, ташкилот ёки фуқароларга тегишли бўлган пайхон қилувчи воситалар нобудгарчилик натижасида етказилган зарар тўла қопланганига қадар эгасидан олиб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экинзорларни пайхон қилишнинг олдини олувчи долзарб зарур чора-тадбирларни кўрсин, пайхон қилишнинг олдини олиш ишларини бажарувчи махсус постлар ўрнатсин, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда бузғунчиларга нисбатан кескин чоралар кўрсин, экинзор пайхон қилинган ҳар бир ҳол юзасидан биронга ҳам айбдорни жавобгарликка тортмай қўймасин.

5. Прокуратура ва ички ишлар органлари, маъмурий комиссиялар, судлар экинзорларни пайхон қилиш ҳақидаги материалларни олишти билан тезда кўриб чиқсин, айбдорларга озоликлан маҳрум қилишга қадар қаттиқ жаза чораларини қўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси экинзорларни сақлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтирсин.

7. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ҳукуқ-тартибот органлари, хўжаликлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ХУСАНОВНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Расулмат Хусанов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 ноябрь.

САЙЛОВ ШТАБИ

Маълумки, шу йилнинг 25 декабрыни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сайловлар бўлиб ўтади. Ҳозир мазкур тadbирга ҳамма жойларда қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Ана шу муносабат билан муҳарририятимизда махсус штаб ташкил этилди. Сиз ундан сайловлар борасида ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай саволларингизга жавоб олишингиз, маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Штабнинг телефон рақамлари: 33-07-48, 33-57-34

Штабга соат 10.00 дан 18.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

«ЭПТЕКС» -- ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



СУРАТЛАРДА: тўқимачилик мажмуининг тантанали очилиш маросими; тўқимачилик цехида.



Р. ЖАМАНИЁЗОВ (ўз.) олган суратлар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида йирик тўқимачилик мажмуи ишга туширилди. Ана шу муносабат билан бу ерда митинг бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков очди.

Иқтисодий мустақилликка эришиш, ўзимизда кўпроқ рақобатбардор тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бу ишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш -- Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини устивор йўналишларидан биридир.

«Эптекс» тўқимачилик мажмуи ҳам ана шу мақсадда бунёд этилди. у -- йилга 10 минг тонна тола чиқарадиган завод, 2400 тонна калава тайёрлайдиган ип-йигирув, 6 минг квадрат метр жинси ишлаб чиқариладиган тўқув, пардозлаш ва тикув фабрикаларидан иборат. Мажмуа Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда қурилди. Унга Италиянинг «Некси», «Савио», «Марзоли», «Ремолди» ҳамда Германиянинг «Дрюкон алдер» фирмалари

ридан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бир мисол: компьютер билан бошқариладиган 40 та «Сомер» русумли дастгоҳ икки сменада 10 тонна калава ишлаб чиқаради. Бунинг учун 80 нафар ишчининг уларни назорат қилиб туриши kifоя. Худди шу ишни бажариш учун ҳозирга қалар 1000 ишчининг меҳнати талаб этилар эди.

Тўқимачилик мажмуининг «Ўзгарқурилиш» бунёдкорлари қисқа муддатда -- бир йрим йилда қуриб битказди. Қурилишга жами 18 миллион доллар сарфланди. Шунинг тақдирини эътиборга оlib, ишчилик мамлакатимиз раҳбариятининг диққат марказида турди. Уни вақтида битказиш, зарур ашёлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати зарур маблағлар ажратди.

«Эптекс»да қарийб икки минг ишчи-мутахассис меҳнат қилади. Қурилиш билан барабар мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. 500 нафар ёш Италия, Франция ва туркиялик мутахассислардан «ақли» дастгоҳлар билан ишлаш сирларини ўрганди. Бу ерда ишловчилар учун маиший шароит яратишга ҳам эътибор берилмоқда. Ҳар бири 64 хонадонли икки уй қуриб битказилди. 300 ўринли ошхона ишга туширилди. Ишчиларнинг келиб кетиши учун 6 йўналишда автобус қатновий йўлга қўйилди. Шунинг қувончлики, фабрикага Германиянинг «Кениг» фирмасидан 2 миллион дона кийим-кечак тайёрлаб бериш тўғрисида дастлабки буюртма тушди. Бу 12 миллион долларни ташкил этади.

Мажмуа икки йилдан сўнг тўла қувват билан ишлаб бериладу. Ушунда қарийб 60 миллион долларлик 9 миллион дона кийим-кечак жаҳон бозорига чиқарилади.

Тантанали митингга сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин, Туркиянинг «Язекс» корпорацияси бош директори Т. Жинар, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Эллиққалъа ҳокими А. Тожиев, «Эптекс» мажмуи бош директори Б. Олимов ва бошқалар йиғилганларни қувончли воқеа билан қўлаб мақкур тўқимачилик мажмуининг Оролбўйи республикаси иқтисодиётида тутажақ ўрни ҳақида таъкидлар.

Митингда мажмуани барпо этишда фаол иштирок этган бир гуруҳ ишлаб чиқариш ҳодимларига Қорақалпоғистон Республикасининг унвон ва Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Митингга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев қатнашди.

А. ХҲЖА
(ўз.)

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

22 ноябрь куни Республика Бош вазирининг ўринбосари, республика молия вазири Бахтиёр Ҳамидов Европа Тиклашиш ва тараққиёт банкининг Жак Ривердин раҳбарлигидаги делегацияси аъзолари билан учрашди.

Б. Ҳамидов меҳмонларга Ўзбекистон иқтисодий ислохотларнинг ҳал қилувчи босқичига ўтгани ҳақида сўзлаб,

бу жараёнда Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидлади. Айниқса, Ўзбекистон ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида ҳамкорлик истиқболли эканини қайд этди.

Жак Ривердин Ўзбекистон билан Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки ўртасидаги

алоқалар ривожидан мамнунлигини изҳор этди.

Мамлакатда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар ўзаро манфаатли муносабатларнинг кенгайишига омил бўлишини таъкидлади.

Шу кунги Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки делегацияси аъзолари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ҳам таширф буюрди.

(ўз.)

КҲЧМАС МУЛК САВДОСИ ҚИЗГИН

Республика Кўчмас мулк биржасининг Андижон вилояти бўлими, давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси ҳамда АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги «Праейс уотерхаус консалтинг» фирмаси билан ҳамкорликда Андижонда навбатдаги «Кимошди» савдосини ўтказди. Савдога қўйилган иншоотлар 440 минг сўмга -- дастлабки баҳоларидан қарийб икки баробар юкори нархда сотилди.

Нуксуда кимошди савдосига бошлангич нархи 351 минг 500 сўм бўлган иншоотлар қўйилди, бир миллион 50 минг 450 сўмга сотилди.

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги кимошди савдосида 332 минг сўмлик иншоот қўйилди ва 2 миллион 976 минг сўмга харид қилинди.

Хоразм вилоятида бўлган савдода эса 385 минг сўмлик иншоот сотилди.

Вилоятларда декабрь ойида ўтказиладиган навбатдаги «Кимошди» савдосига маданий-маиший бинолар, савдо шохбачалари ҳамда транспорт воситалари қўйилиши режалаштирилмоқда.

(ўз.)

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва УЗД мухбирлари
хабар қилдикилар

ЎЗБЕКИСТОН

Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида Улуғбек дарси ўтказилди. Уни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раиси академик Э. Юсупов бошқарди. Республика «Улуғбек дари ва аллома тўғрисидаги адабий манбалар» мавзуда маъруза қилди. Шунингдек, тингловчилар ёш олим ва тadbиркорларнинг Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижодига доир илмий кузатишлари билан танишди.

Қўриқ «Москва» жамоа хўжалигидаги 500 га яқин хонадон ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. «Орол-қашлоқводопроводқурилиш» бирлашмаси Эллиққалъа кўйма механизмида жамланмаси 13,5 километрлик линияни ишга тушириб, ушбу қулайлиқни яратди.

Аҳолини тоза сув ҳамда табиий газ билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган мазкур жамоа йилни юқори натижалар билан якунламоқда. 13 ўрнига 17,5 километр масофага водопровод, икки километрлик газ линиялари тортилиб, 2 миллион 216 минг сўмлик иш бажарилди.

Учқудуқ тумани ҳиссдорлик жамияти бошқаруви республика Президенти «Кам таъминланган оилаларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Туманда кам таъминланган 22 оилага бепул қишқикийим-кечаклар ҳадя этилди. Шунингдек, оиле айлловлардаги чўпонларга қишлоқ дари учун етарли микдорда иссиқ кийим-кечаклар, қундалик эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари юборилди.

Навоий вилоят деҳқончилик саноати ҳодимлари касба уюшмаси пахта йигим-терими олдидаги масмувда иштирок этаётган ҳашарчилар ўртасида беллашув ташкил этган эди. Яқинда беллашув шартлари қўриб чиқилди. Ғолибларга ташаккурнома ва Ўзбекистон Республикаси бўйлаб бепул савдотга йўланмалар берилди.

Хонқа туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган «Хуросон» акционерлик жамиятида етил саноатнинг зарур хомашеси -- ватин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жамиятнинг кичик неҳида кунига бир крим-икки минг метр ватин ишлаб чиқарилади. Тез кунда цех кенгайтирилиб иш ўринлари кўнайгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам икки баробар ошад.

ЖАҲОН

Россия Федерацияси иқтисодий ривожланишининг янги даврига ўтапти, деди Бош вазир биринчи ўринбосари Анатолий Чубайс инглиз мухбирлари билан суҳбатда. А. Чубайсининг сўзларига қараганда, 1995 йилда ҳукумат бутун кучини пул қадрсизланишининг олдини олиш, сармоя сарфлашни рағбатлантириш, молиявий барқарорликни таъминлашга қаратади.

Аргентина давлати НАТОга аъзо бўлиш учун ҳаракат қилмоқда. Аргентинанинг НАТО Ассамблеяси мажлисида қизгин иштирок этаётгани ана шундан дарак беради. НАТО ташкил топилишидан бундан биринчи марта бу ташкилотга аъзо бўлмаган мамлакатлар вакиллари мазкур ҳарбий-сиёсий бирлик мажлисида қатнашмоқда. Президент Карлос Менемнинг сўзларига қараганда, Аргентина Республикаси НАТОга даставвал кузатувчи сифатида аъзо бўлади.

Филиппиннинг Миндоро оролида рўй берган 7.1 баллик зилзила оқибатида 62 киши ҳалок бўлди ва бир неча юз киши жароҳатланди. Ер силкинishi оролдаги 500 дан ортиқ уй, 18 та кўприк ва бир қанча балиқчи кемага жиддий зиён етказди.

Америка Қўшма Штатлари мудофиа вазири Уильям Перри расмий сафар билан Бразилияга таширф буюрди. АҚШ мудофиа вазири сафар давомида Бразилиянинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари билан учрашди. Бразилия Ташқи ишлар вазирлигидан олинган хабарга қўра, ўзаро музоқаралар чоғида АҚШ ва Бразилия ҳарбий кучлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, халқаро терроризм ва гўёқвад моддалар савдосига қарши кураш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Тинч океани ҳарбий флотини 7 ноябрда Охота дентизидеа безларк йўқолган «Риболов» кемасини қидириш учун ёрдамга келди. Йўқолган кеманинг «Магдаланибром» ҳиссдорлик жамияти ҳосилдоридан қидирилиши шу вақтгача самара бермади.

Тинчликни таъминлаш мақсадида юборилган Британиянинг Руандадаги чекланган ҳарбий қўшинлари тез орада ватанига қайтиб кетади.

Кигалидан берилган хабарга қўра, Британиянинг 550 нафар ҳарбий аскари руандалик қочқинларнинг Зовридан ўз ватанига қайтишида қўмақлашини учун йўланма эди.

БМТнинг Руандадаги ҳарбий қўмондонлиги вакилининг берган баёғотида қўра, аниқ вақтда мамлакатда халқаро ҳамжамиятнинг чекланган қўшинлари сонини 5 минг 500 кишидан иборат.

Шавкат ҲАЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, академик

САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўтмишда ваколатли органларга жуда кўп сайловлар ўтказилар эди. Аммо бўлажак сайловлар кўп жиҳатдан бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу сайловларнинг хусусияти шундаки, улар биринчи бор янги ижтимоий тузум шароитида—бозор муносабатларига ўтиш, демократик жараёнлар тантана қилаётган даврда ўтказилаётти.

Бу сайловлар Президентлик Республикаси таъсис этилганидан кейин биринчи сайловлардандир.

Бу сайловлар Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин ўтказилаётган биринчи сайловлардир.

Бу сайловлар мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилингандан кейин ўтказилаётган биринчи сайловлардир.

Бу сайловлар янги Олий Орган — Олий Мажлисини сайлашга бағишланган биринчи сайловлардир.

Бу сайловлар биринчи бор ваколатли органларга кўп партиявийлик асосида ўтказилаётган сайловлардир.

Бу сайлов, қолaversа, энг демократик, энг ажойиб, энг адолатли сайлов қонунлари асосида ўтказилаяпти. Шу сабабларга кўра бу сайловларнинг ўрни, аҳамияти, мавқеи мисли кўрилмаган даражада улугдир.

Фуқароларда табиий бир савол туғилиши мумкин. Ахир давлатимиз ҳам, Олий Мажлисимиз ҳам, Президентимиз ҳам, Конституциямиз ҳам ажойиб, халқ булар билан фахрланилади. Шундай экан, унга, юзта ёки мингта одам сайловларда қатнашмасе ҳеч бир зарари йўқ-ку! Нега энди сайлов ҳақида шунча кўп қайғуриш керак?

Бундай саволнинг туғилиши табиий. Биз, сайловни уюштирувчилар, шунинг билан шунинг керакки, давлатнинг қучқувати, ютуқлари, шаъни олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни халқнинг онгли равишда қўллаб-қувватлашга боғлиқ, оддий фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, қолaversа ҳаммамизнинг эрк ва иродалашга боғлиқдир. Шунинг учун биз фуқароларнинг сайловда фаол қатнашишдан манфаатдоримиз. Биз доимо аҳоли билан ишлашимиз зарур, давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги бирлигини, яқин муносабатларни мустаҳкамлашимиз лозим.

Бирон бир фуқарога эътиборсиз қараб бу ҳам унинг ўзини, оиласига, яқин таниш-билишларига, ҳам халқ манфаатларига эътиборсиз қараб демасдик. Шунинг учун ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Сайловлар вақтида мана шу қонда шубҳасиз синовдан ўтади. Сайловчиларни баланлар-воз гаплардан кўра кўпроқ уларнинг оддий манфаатларини кўзда тутиш, уларнинг иситиш, томларидан чакка ўтмаслик чораларини кўриш, худудларнинг фаровонлиги, элнинг осойишталиги, барқарорлиги ва шунга ўхшаш минглаб масалалар қизичтиради. Жойлардаги мутасадди ўртоқлар ана шу масалалар билан деярлик ҳар кун кўриш қизичтиради.

Аҳолининг сиёсий фаоллиги билан боғлиқ мисоллар тарихда кам эмас. Масалан, шундай мамлакатлар борки, Конституцияси қабул қилингандан кейин бу Конституция лойиҳаси учун сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг фақат 10 фоизи қатнашган ёки сайловларда сайлов ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 50 фоизидан салиқ-роғи қатнашган. Конституция лойиҳаси учун улардан деярлик ярми ёки сайлов ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 25 фоизидан салиқ-роғи овоз берган ва шундай бўлса-да, қонун бўйича Конституция қабул қилингандан ҳисобланади. Бу мисолларни ҳар хил талқин қилиш мумкин.

Хулоса шундан иборат бўлиши керак: бу иш албатта ҳар қандай мамлакатнинг ички иши. Уларга шу маъқул бўлса бош устига.

Аммо бизнинг ниятимиз эса сайловчиларнинг деярлик ҳаммаси сайловларда қатнашса деймиз. Бу биз учун муҳим. Мустақил Ўзбекистонни, ватанин севган ҳар бир сайловчи сайлов кунини бетараф бўлиб қолмай ўз овозини эъгу ниятлар учун, халқнинг бахт-саодати учун, мамлакатнинг қучқувати учун бериши шарт деб ўйлаймиз.

Биз демократия сўзини жуда кўп ишлатамиз. Конституциямизнинг биринчи моддаси — «Ўзбекистон — суверен демократик республика» деган сўзлар билан бошланади. Конституциянинг иккинчи моддаси демократиянинг мазмунини, моҳиятини очиб бериб шундай дейди: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансбдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар». Конституциямизнинг 7-моддаси эса «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейди. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўллаб ва Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон халқини, — дейди Конституция, — миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда халқни, давлат ҳокимиятининг манбаини фуқаролар, яъни сайловчилар ташкил этадилар. Фуқаролар сайлов ҳуқуқига, яъни давлат ва жамиятни бошқаришда, уларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқеи бирон бир даражада таъсир қилмайди. Барча сайловчилар қонун олдида тенгдирлар.

Бу қонда Конституциямизнинг олий даражадаги демократик қояларга содиқ эканлигини кўрсатади. Бундай аҳвол барча мамлакатларда мавжуд эмас. Масалан, Болтиқбўйи баъзи давлатларида сайловчиларни даражаларга бўлиш ҳолатлари ҳам бор. Шу туфайли аҳолининг бир қисми сайлов ҳуқуқларидан маҳрум, улар норозилик билдирмоқдалар ва бу масала ҳақон миқёсида кескин муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистонда сайланаётган Олий Мажлис аҳолининг кўпчилигига, балки бутун халққа таяниб иш олиб боради.

Бўлажак Олий Мажлис халқнинг ваколатини олиб, беш йил мобайнида қонун чиқарувчи яқка-ягона давлат ҳокимиятининг олий органи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз бўлажак сайловларда, сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар қатнашишимиз керак, барча фуқаролар ўз хоҳиш-иродаларини ифода қилмоқлари лозим.

Конституциямиз, қонунлар, давлат, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатини ўз зиммасига олади. Бу вазифани бажаришда биринчи ўринда Конституциямиз туради. Умуминсоний қадриятларга асосланади. Барча жаҳон ҳужжатларида ўз ифодасини топган инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган. Инсон ҳуқуқлари, жумладан инсоннинг давлатни ва жамиятни бошқариш ҳуқуқи бу фақат миллий қадрият эмас, балки умуминсоний қадриятлардир. Шунинг учун ҳокимият органларида қарсда сайловлар ўтмасин ҳокимий мамлакатларнинг, ҳатто Бирлашган Миллатлар ташкилотининг қулатувчилиги ҳозир бўладилар. Сайловлар ўтказиш жараёни — бу халқро аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Ўзбекистон фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари билан фахрланса бўлади. Бу ҳуқуқ ва эркинликларни Конституция ва қонунлар ҳамоя қилади. Конституция бўйича фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузиш қонунга биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Конституциянинг 19-моддасида айтилишича «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бери-бирга нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақи эмас».

Ўзбекистон фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири — бу жамиятни ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқидир.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳамоя қилиш, давлат органлари, мансбдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайри қонуний хатти ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистонда 1994 йил 5 майда биринчи бор «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунда сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида гошлар умумлаштирилган ва мустаҳкамланган. Бу қонунда Конституция биноан 18 ёшга тўлган барча фуқаролар сайлов ҳуқуқига эга эканлиги акс этирилган.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўлган, тегишли сайлов участкаси ҳудудидо доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон фуқароси сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчи-лар рўйхатига киритилиши мумкин. Агар сайловчи сайловчилар рўйхатига кирмай қолса ёки рўйхатда хато ва ноаниқликлар бўлса сайловчи сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссияси 24 соат ичида аризани кўриб чиқиб хатони тўзатиш ҳа-

қида ёки аризани асосли тарзда раи этганлиги тўғрисида маълумотномани бериши шарт.

Давлат ҳокимияти органларига сайланиш учун — маҳаллий вакил-

лик органларига сайланиш учун — 21 ёшга, Олий Мажлисга сайлаш учун — 25 ёшга тўлган бўлишлари керак. Республика Президентини этиб сайланиш ҳуқуқига 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролар эгадирлар.

Ёшнинг ана шу тарзда белгиланиши тарихий тажрибага, мақсадга ва адолатликка асосланган.

Конституция лойиҳаси муҳокама қилинган пайтда жуда кўп хатларда шундай тақдирлар ҳам бор эдики, ҳатто Олий Мажлисга сайланиш учун ҳам камидан 40 ёки 50 ёшга тўлган бўлиши керак. Бу тақдирларни Конституцион комиссия ва Олий Кенгаш қабул қилмадилар. Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш имкониятини кафолатлаш мақсадида яшйрин овоз бериш ҳуқуқи берилган.

Сайловчилар ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Давлат ҳокимияти органлари сайловда ишратувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган биналар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт.

Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларни тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов оқунарига доир ахборотни излаш, яқин ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуеи фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов кунини ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдидан овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бинобарин, саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кета олмайдиган сайловчиларга сайловчилар турган жойда овоз бериш ташкил этилади. Сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳам ҳамоя этилиши мумкин.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўлар билан фуқароларнинг сайлов ва сайланиш, сайловдаги агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаиш, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Умуман айтганда Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ ҳамоя қилади ва сайловчиларга эркин ўз хоҳиш-иродаси билан давлатни идора қилишда иштирок этишини таъминлайди.

Сайлов ҳуқуқларининг кафолатларини мамлакатимизда демократик жараёнлар тўла-тўқис ривожланаётганлигидан далолат беради ва шу анжуман қатнашчиларининг, округ сайлов комиссиялари аъзоларининг вазифалари шундан иборатки, мавжуд қонунларга, Конституцияга амал қилиб республика шон-шухратини яна бир бор жаҳонга намойиш қилиш.

Бўлажак сайловларни юқори савияда ўтказиш учун ҳуқуқий негиз мавжуд. Вазифа шундан иборатки, ана шу ҳуқуқий нормаларни тўла-тўқис ҳаётда татбиқ қилиб, сайловларни олий даражада ўтказиш. Халқ сайловчилар республикада олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва ишончимиз комилки, сайлов кунини элимизда демократия яна бир бор тантана қилади.

ДЕМОКРАТИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Алишер МАРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган пайдан бошлаб давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун реал имконият пайдо бўлди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси бошқа мамлакатлар билан тенг қаторда халқро ташкилотлар — БМТ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (СБСЕ)нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистон бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан шаҳдам одим ташлаб, демократия ва ижтимоий адолат қояларига содиқлик принциплари асосида ўз давлатчилигини қурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократия соҳасидаги ютуқларини мустаҳкамлаб, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини, давлат ҳокимиятининг ташкил этиш, шу жумладан республикада сайлов тизимини қонунан тартибга солишининг асосий принципларини ўз қондаларида белгилаб қўйган Асосий Қонун — Конституциясини қабул қилди.

Сайлов тизимини тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилаётган сайлов ҳақида гапирар эканмиз, шунинг таъкидлаб ўтишимиз лозимки, давлатимизнинг Асосий Қонунига мувофиқ сиёсий партияларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар таъминлаб берилди.

Бутунги кунда Ўзбекистон Республикаси Парламенти (Олий Мажлиси)га кўп партиячилиги асосида сайлов ўтказиш тартиби 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва 1991 йил 11 февралда қабул қилинган ҳамда 1992 йил 3 июлда ўзгартирилган ва тузатишлар киритилган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун нормаларида сиёсий партияларни тузиш тартиби ва уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилан қўйилган. Сиёсий партиялар, Конституцияда ва «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида айтилганидек, турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этадилар. Бошқача айтганда, жамоат бирлашмаларини тузишдан асосий мақсад фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳамоя қилиш ва кафолатлаш, уларнинг ўз партиявий намоёндаларни орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлашдан иборатдир. Зикр этилган ҳолатлар чинакам демократиянинг принципиал негизи ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароларига Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин. Шунини ҳам борки, бир сиёсий партиянинг аъзоси айни пайтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Фуқаронинг сиёсий партия фаолиятида иштирок

етиш-этмаслиги, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун ёки унга афзалликлар бериш, шу жумладан давлат хизматида лавозимни эгаллашга бирон-бир шарт-шароит яратиб бериш ёхуд «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажариши учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Шунинг таъкидлаш лозимки, барча сиёсий партиялар қонун олдида тенгдирлар, уларнинг ҳуқуқлари тегишли қонунлар ва ўз уставларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, шунга мувофиқ улар ўз фаолиятларини эркин амалга ошириш, ўз мақсадлари ҳақида ахборот тарқатиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси шундай давлат ҳокимияти органларидан биридир.

Шунинг қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасида собиқ ССР Иттифоқи республикалари орасида биринчилардан бўлиб президентлик босқаруви жорий этилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, сиёсий партияларнинг кўп партиячилиги асосида сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи тасдиқланган. Ушбу Қонуннинг 24-моддаси белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партияларнинг сайловда номзодларини кўрсатиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Олий Мажлис кўп партиячилик асосида худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат бўлади. Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшйрин овоз бериш Олий Мажлисга ўтказилаётган сайловнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Ҳозирги Ўзбекистонда сайлов халқ иродасининг ифодаси бўлиб хизмат олиши ва давлатни бошқариш ана шу иродага мувофиқ йўлга қўйилди.

Сиёсий партия Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун сайлов тайинланганидан кейин 20 кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссиясига «Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Марказий сайлов комиссияси ана шу ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида партиянинг сайловда иштирок этишига рухсат беришга оид узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этаётган партияларнинг рўйхати аризаларнинг тузиш навабига қараб маъбулота ёлгон қилинади. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг олий органлари томонидан амалга оширилиб, улар ҳар бир сайлов округдан биттадан депутатликка номзод, жами 250 нафар депутатликка номзод кўрсатишга ҳақиқидирлар.

Шу билан бирга, сиёсий партияларга сайлов кунига исталган вақтда ўз ёки бу шахсини депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ва депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига депутатликка янги номзод кўрсатиш тўғрисида тақдир қилиш ҳуқуқи берилади.

Шунинг айтиб ўтиш зарурки, ушбу давлат ҳокимияти вакиллик органи — Олий Мажлисининг аҳамиятини ҳисобга олиб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига депутатликка номзодларга қўйилаётган талаблар белгилаб қўйилган.

Сайловда ташвиқотини амалга ошириш учун депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилади.

Сиёсий партияларга ўз бўлгуви фаолиятига доир дастур билан чиқиш

ҳуқуқи берилади. Партияларнинг ва уларнинг депутатликка номзодларининг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъжовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, irqий ва диний ҳусумат тарғиботи, конституциявий ҳуқуқларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайловни ўтказишнинг демократиклиги сиёсий партиялар вакилларининг сайлов комиссиялари йиғилишларида, сайловда овозларни санаишда иштирок этиши билан, сайлов комиссияларининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан юқори сайлов органларига ёки судларга шикоят қилишлари йўли билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига бинаан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишларга зўравонлик, алдаш ёки бошқа куч ишлатиладиган хатти-ҳаракатлар йўли билан тўсқинлик қилувчи шахслар жавобгарликка тортилади. Сохта сайлов ҳужжатларини тайёрлаган, атайин овозларни нотўғри ҳисоблаб чиққан, овоз беришнинг яшйринлигини бузган ва бошқа гайри қонуний хатти-ҳаракат қилган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Депутатликка номзодлар тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

Шунинг айтиб ўтишимиз лозимки, сайловда иштирок этган ва беш фойдан кам овоз олганлар қонунга мувофиқ Олий Мажлис депутати этиб сайланишлари мумкин эмас.

Қуйидаги масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман: «Сиёсий партия, башарти у белгиланган тартибда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлсаю, унинг вилоятлардаги органлари эса вилоят ҳокимларининг адлий босқармаларида рўйхатдан ўтказилганига олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, вилоят, шаҳар, туман кенгашиларга сайловларда иштирок этишлари мумкинми?».

Бунга қуйидагича жавоб бераман: Қонунга мувофиқ сиёсий партия, башарти у сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлса, маҳаллий кенашларга сайловларда иштирок этиши мумкин.

Парламентнинг қонунчилик ишини яхшилаш учун сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги зарурдир.

Шундагина халқнинг, жамиятнинг манфаатлари ҳисобга олинади ҳамда пухта ўйланган, ҳаётий ва амалий қонунлар қабул қилинади. Бу депутатликка кўрсатилган номзодларнинг шахсий фазилатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Зеро, бўлгуви парламент давлатимизни ривожлантиришнинг негизи бўлиши учун халқ вакилларини сайлашга зўр масъулият билан ёндаиш зарур.

Бунда бўлгуви депутатнинг дастури, унинг режалари ва ишоралари катта рол ўйнайди. Бироқ барча номзодлар учун улар қайси партиядан кўрсатилганликларида қатъи назар қуйидагилар асосий дастуриламал бўлиши лозим:

— халқимиз учун тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлаш;

— миллий онгни янада юксалтириш;

— ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш ва қонун устуворлигига эришиш;

— irqи, миллати ва диний мансублигидан, жинси ва тилидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигига амал қилиш;

— эркин тадбиркорликни, ҳужалик юриштирини бозор шакллари ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

— халқ саодати ва давлат билан жамият раванқи учун барча шарт-шароитларни таъминлаш.

Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг шундай тузилган сайловда дастурига тенг шароитда, лекин муқобиллик курашида унинг эгасига ғалаба келтириши мумкин.

• Пир бадавлат қарияларимиз

Ногоҳон телефон жири-нглаб қолди.

-- Э, бормисиз-бормисиз, мен Алимовман, ҳайрият уйда экансиз, кўп йўқлаб, энди топдим, -- деган жарангдор овозни қолдим, салом-алиқдан сўнг эф кўнглини юпатувчи, кайфиятингни кўтарувчи бир туйғу уйғонди. Эътибор билан тингладим.

-- Хабарингиз бор, биринчи октябрь -- Халқаро қариялар кuni. Шу муносабат билан катта таътиб ўтказамиз. Сиз ҳам келинг...

Трубкани қўйдим-у, ҳаёл дарёсига чўдим. Унуттирмайди... ярим асрлик меҳнатим зое кетмабди...

Фахрийлар кенгашига кириб келганимда Акрам Алимов қўли қўлига тегмай, талай табриқнома-ларни ўқиб, эгаларига жўнатиш таратдудиди эди. Улардан бирини олдим... Бир олам дил сўзлари.

-- Бу мактубларни байрамда иштирок этолмайдингиз фахрийларимизга йўллаймиз. Совгалар ҳам олиб боришди.

Бир зум-қўз ўнгимда тўшакда ётган ногирон, кўнгли нозик қариялар намоён бўлади.

Улар бу эътибордан бошлари осмонга етса керак, дилдан ўтказаман.

Ахир дунёда шикаста кўнглини кўтаришдек саҳоватли ишдан ҳам улуғи борми?

Таклиф этилган анжумандамиз. Даврада кўкракларини қатор нишонлар бе-заган қариялар, неча-неча таниш, қадрдон чехралар. Дилларда бир олам қувон-тидан чиқардим.

КЎНГИЛДАН КЎНГИЛГА ЙЎЛ БОР

нч. Дийдор кўришгандан мамнунимиз. Тошкент вилояти фахрийлар кенгаши-нинг раиси Акрам Алимов эса ҳам мезбон, ҳам ишбо-ши. Кўпнинг кўнглини олиш осонми?! Бу тўқин дастурхон, совга-саломлар-ни ташкил қилиш ўзи бўл-магандир, албатта. Қария-ларнинг эса қўллари дуо-да.

-- Кексаси бор уйнинг қут-баракаси, файзи бор. Шунингдек, нуруний, до-но қарияси бор давлатнинг ҳам қуч-қудрати, битмас-туганмас хазинаси бор, -- дея қарияларни табриқлар-ди Акрам ака. -- Ҳалол ва фидокорона меҳнатингиз билан вилоят юқини ел-кангизда кўтариб келдин-

гиз. Эндиликда ҳам ёшлар-га тўғри йўл кўрсатиб, доно маслаҳатингиз билан ҳозир-ги вақтинчалик қийинчи-ликларни енгишга кўмак берайсиз, -- дейди у.

Шу-шу Фахрийлар кен-гашига тез-тез қатнаб тура-диган бўлдим. Ҳар гал ин-сонларга нисбатан меҳр-шафқат унинг қадр-қим-матни улуглаш тадбири ус-

ганман. 1947 йили уруш-дан Тошкентга қайтиб, 6-болалар уйига пионер во-жати бўлиб борманман. Етим болалар, жанг бўлган жойлардан эвакуация қи-линганди жабрийда болалар. «Табиб табибмас, бошидан ўтган табиб», дейдилар. Етим қолиш жуда оғир. Ка-ни энди уларнинг жараҳат етган қалбларига зигирдек

мен шу даргоҳда чуқур ҳис этган бўлсам керак. Бутун умр иш фаолиятимда бу ҳис мени тарқ этмади. Кейин-чалик мактаб-маориф тар-моғидаги фаолиятимда, қа-тор раҳбарлик лавозимла-ридаги хизмат давримда би-ринчи навбатда одамлар-нинг ҳол-аҳволи, кайфияти диққатимни ўзига тортар-ди. Эҳтимол шу ҳислат ме-ни фахрийлар ташкилотига етаклаб келгандир. 1985 йилдан буён уруш ва меҳ-нат фахрийлари хизматла-ман. Ҳануз улардан ўргана-ман, улар билан икки оғиз суҳбат қуриб, ҳузур қила-ман.

Шу кунларда фахрийлар кенгашида ҳаёт ҳар қачон-гидан қизғин. Ҳалабанинг 50 йиллигини нишонлаш таратдудиди. Уруш ва меҳнат ветеранларига ғамхўрликни кучайтириш ишлари қизғин олиб борилаётти. 1941-45 йиллар уруш орқасида хиз-мат қилганларга медал ва пул мукофотлари берилаёт-ти. Бу юмушларнинг ҳам-масига Акрам ака бош-қош.

Билишимча, ўзингиз ҳам 70 ёшга етиб қолибсиз Акрам ака, табарруқ ёшингиз мақорат бўлсин. Ҳайри, савобатли ишда сизга янада омад тилаймиз. Умрингиз зиёда бўлсин...

Ғарида УСМОНОВА,
меҳнат ветерани, республи-
када хизмат кўрсатган
маданият ходими.

Игорь Владимирович ЧИРГАДЗЕ

Игорь Владимирович Чиргадзе фожий ҳо-ди-са туфайли 58 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Ис-теъдодли ташкилотчи, юқори малакали мутахас-сис олим, толмас меҳ-наткаш инсон орамиздан кетди.

И. В. Чиргадзе 1936 йилда Тошкентда туғил-ди. Унинг бутун меҳнат фаолияти республика Давлат план қўмитаси билан боғлиқ бўлди. У 27 йилдан ортиқроқ вақт шу соҳада меҳнат қилди. У Давлат план қўмитаси бўлим бошлиғи, раис ўринбосари, биринчи ўринбосари бўлиб ишла-

ган кезларда унинг таш-килотчилик истеъдоди ва юксак маҳорати айниқса яққол намоён бўлди.

Игорь Владимирович Ўзбекистоннинг иқтисо-дий салоҳиятини мустаҳ-камлаш йўлида самарали меҳнат қилди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иш-тирок эди, ёш иқтисод-чи мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг ма-ҳоратини ошириш бора-сида катта иш олиб бор-ди.

И. В. Чиргадзе юксак меҳнат қобилиятига эга, ўзига ва кўл остидагилар-га ўта талабчан бўлган ақл-заковатли, билимдон,

серғайрат мутахассис эди. У ўзининг инсоний фази-латлари, жозибаси, кам-тарлиги билан барчанинг ҳурмат-эътиборини қозон-ган эди.

У иқтисодийётни ривож-лантиришдаги хизматлари учун давлат мукофотлари-га сазовор бўлган, унга Ўз-бекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисод-чи унвони берилган эди.

Игорь Владимирович Чиргадзенинг порлоқ хо-тираси унинг яқинлари, дўстлари ва сафдошлари қалбига доимо сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

ОЛ ТЮВОВИМ, БЕР ТЮВОВИМ

Избоскан туманининг Тўртқўл қишлоғига Украинадан олти вагон қувур етиб келди. Энди 56 минг аҳоли яшайдиган бу қўнға қишлоқни келгуси йил биринчи ярмигача тўла газлаштириш имконияти туғилди.

Андижон вилояти «Толаимпек» бирлашмаси мутахассислари Украинадаги «Ханнавиле ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда 452 тонна ПБХЧБ толасини Никополь шаҳридаги ип-йигирув комбинатига жўнатиб, ўзларига зарур бўлган 1800 тонна газ қувурини олмақда.

Шунингдек, бирлашма жўнатган 200 тонна тола эва-зига Херсон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси-дан Андижондаги 162-қурилиш трестига ўта тақчил бўл-ган прокат металлари ва бошқа хомашё кела бошлади. Ҳозиргача келишилган 760 тонна металлопрокатнинг 300 тоннадан кўпроғи олиниб, қурилиш иншоотларига тарқатилди.

• Қўлайлик

«ТОШКЕНТ -- БЕКОБОД» ЙЎНАЛИШИ ОЧИЛДИ

Шаҳарларaro қатнайди-
ган электрорезидлар йўнали-
ши яна биттага қўйилди.
Яқинда «Тошкент -- Беко-
бод» йўналиши бўйича эле-
ктрорезид йўловчиларга хиз-
мат қила бошлад.

Аввал Хаво бекатидан қатнайдиган бу уловларнинг сўнгги манзили Бекободга кўчди. Ўнг йўналишининг очилиши минглаб йўловчи-ларга қўлайлик яратди. Му-ҳими, бу уловнинг кира ҳа-қи автобусларининг қара-ғида бир неча баравар ар-зонлиги барчага маъқул бў-
лаётти.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МИКОНД» + ТИББИЁТ

«Миконд» заводи жамоа-си Тошкент шаҳар ҳокимли-
ги соғлиқни сақлаш бош бош-
қармаси билан ўзаро ҳам-
корлик ҳақида шартнома им-
золадилар.

Завод шифокорларга бе-
пул кинелорд юбориб тура-
ди. Ўз навбатида тиббиёт хо-
димлари эса корхона ишчи-
хизматдорларига шаҳар даво-
ланиш тармоқларида масла-
ҳатлар олиш, ташхис қўйиш
ҳамда даволанишга ёрдам бе-
радилар. Шунингдек, томон-
лар шартноманинг бажари-
лиши учун кетадиган барча
ҳаражатларни ўз зиммала-
рига олиш мажбуриятлари-
ни олдилар.

Н. ҲАМРОЕВ,
жамоатчи мухбир.

тайёрланди. Синов муваф-
фақиятли ўтди.

Мутахассисларнинг ҳи-
соб-китобларига кўра, чин-
ни тайёрлашда асқотадиган
хомашё Ҳисор тоғлари
ёнбағирларида миллионлаб
тоннани ташкил этаркан.
Энди навбат-бу ерда чин-
ни ишлаб чиқариш корхо-
наси барпо этишга.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ларини яхши ҳис этишмоқ-
да. Бундан аввал уларнинг
бир қиз, бир ўғли бор эди.
«Фахри Камол» фирмаси
эгизакларни ўз оталиғига
олди.

Бахтиёр КЕНЖАБОВЕВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи
мухбири.

лоқлари, дўстлари ёруғ дунё-
га келган Ҳасан-Ҳусан-То-
ҳир билан табриқландилар.

Туман марказий касалхо-
насининг туғруқхонасида уч
оға-ини ботирилган ҳамда улар-
нинг онаси Озода Тўранова
шифокорлар назоратида ўз-

ҲИСОР ТОҒЛАРИНИНГ ЁНБАҒРИДАН ТОПИЛГАН ХОМАШЁ

Ҳисор тоғининг Яккабўғ
тумани ҳудудидан ўтган
қисмида, Қизилдарё-
нинг юқорисидан чинни
ишлаб чиқаришда
қўл келадигана хомашё
топилди.

Ушбу хомашёни Қашқа-

дарё геология-қидирув таш-
килотининг мутахассислари
аниқлаб беришди. Ундан на-
муна олиниб, Самарқанд
чинни заводида сынаб қўрил-
ди. Яккабўғдан топилган
чиннибоп тошлардан пишқ,
жарангдор коса ва пиёларлар

УЧ ОҒА--ИНИ БОТИРЛАР

Сурхондарё вилояти, Ше-
робод туманидаги Эшбўй
Бердиев номли жамоа ҳў-
жалигининг Кулдуқшо қиш-
лоғида истиқомат қилувчи
«Фахри Камол» хусусий
фирмасининг пайвандчиси
Эргаш Қораевни ҳамқиш-

лоқлари, дўстлари ёруғ дунё-
га келган Ҳасан-Ҳусан-То-
ҳир билан табриқландилар.

Туман марказий касалхо-
насининг туғруқхонасида уч
оға-ини ботирилган ҳамда улар-
нинг онаси Озода Тўранова
шифокорлар назоратида ўз-

• Иқтисод чорраҳаларида

«АНТИҚА» АНЖУМАН

Бухорода «Ўзбекистон Республикаси сўт саноати кор-
хоналарида чет элнинг янги прогрессив технологик линия-
лари ва автоматлар ёрдамида қадоклаб ўралмаган сўт
маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» мавзу-
сида симпозиум бўлиб ўтди.

Унда барча вилоятларга
ги ўшш, сўт ҳиссалорлик жа-
миятлари раислари ишти-
рок этдилар. Бундан ташқа-
ри Швейцария, Туркия, АҚШ
ишбилармонлари ҳозир бў-
лишди.

Аввало меҳмонлар Бухо-
ро сўт корхонаси билан та-
нишишди. Ёдгорликларни
томоша қилишди. Симпо-
зиумнинг Ўзбекистон «Ўзгў-
штисаноати» акционерлик
ююмчаси раиси биринчи
ўринбосари вазифасини ба-
жарувчи Х. Муталов кириш
сўзи билан очди.

-- Энди биз сўт маҳсу-
лотларини қадоклаш ва
ўрашнинг замонавий линия-
лари ҳамда автоматлардан
фойдаланмасак, ишимизда
жаҳон мамлакатларидаги қа-
би ўзгариш бўлиши қийин
-- деди у.

Бундай замонавий уску-

налар ҳақида Швейцариянинг
ТЭТРА -- ПАК фирмаси ва-
кили жаноб Юханс Стен-
берг ва Туркия ПИНАР сўт
фирмасининг вакили Синан
Герчак ҳам гапириб ўтдилар.
Улар ўзбек тадбиркорларига
ўзларида мавжуд бўлган ус-
куналардан фойдаланишни,
маъқул бўлса сотиб олишни
таклиф қилдилар. Меҳмон-
ларнинг таклифи залдагилар-
ни қизиқтирди.

Демак, симпозиум ўз мо-
ҳияти билан янги прогрес-
сив технологик линияларни
Ўзбекистонда олиб келишда
ўзига хос босқич вазифа-
сини ўтайди, дейиш мумкин.
Ҳар қалай, мусулмончилик
аста-секин, дейишди. Бун-
дай учрашувлар юртимизда
тез-тез ўтказилса, фойдалан
ҳоли бўлмасди.

М. ОТАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЛЛАОРОЛ туманидаги Эшонқул Исмоилов ном-
ли ширкат ҳўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб,
галла экишни тугаллади. 1995 йил ҳосили учун 8600
гектар ерга сара уруғ сепилди.

Ҳўжалик келгуси йилдан бошлаб уруғчилик ҳўжали-
гига айлантирилди.

-- Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, --

УРУҒЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШДИ

дейди ҳўжалик бош агрономи Абдусаттор Шодиев. --
Йигиб олинган донни сақлаш ва қайта ишлаш учун
омборлар, машина-ускуналар ҳамда заводлар етарли.
Ишчи ва хизматчиларимиз малакасини ошириш учун
ўзимизда ўқув курслари ташкил қилаймиз. Алмашлаб
экишни жорий этаймиз. Буларнинг ҳаммаси ҳўжа-
ликларга сара дон етказиб беришимиз учун муҳим
омил бўлади, деб ўйлайман. Жамоамизнинг уруғчилик
билан шуғулланиши бизга фақат маъсулият юклаб
қолмасдан аввалгидан беш-олти баравар кўп фойда
ҳам келтиради. Бу ўз навбатида ҳўжалигимиз аъзола-
рининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Туроб ННБЗ.

«ИСТИҚЛОЛ: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ҚАҲРАМОН» ҚҮРИК -- ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитаси Ўзбек
адабиёти намоёндаларини қўл-
лаб-қувватлаш, миллий тафак-
кур, истиқлол, мустақиллик ғоя-
ларининг бадий адабиётдаги
тўлақонли талқинини яратиш йў-
лидаги изланишларни, қаҳра-
монлик, ватанпарварлик, инсон-
парварлик, буюк давлатчилик
тамойиллари акс этган асарлар-
ни танлаб олиш ва бундай асар-
ларни рағбатлантириш мақсади-
да «Истиқлол: янги давр, янги
қаҳрамон» йиллик қўрик-танло-
вини эълон қилади.

Қўрик-танловда таниқли адиб-
лар, шоирлар, шунингдек ис-
теъдодли ёшлар ўз янги асар-
лари билан қатнашишлари кўз-
да тутилади. Қўрик-танловда
мавзу, шакл ранг-баранглиги,
бадий истеъдоднинг янги-янги жи-
лолари, ижодий жасорат, юксак ба-
диёт -- ижодкор халқимиз даҳоси
акс этган асарлар муносиб баҳо-
ланади.

Тақдим этилган асарларни тан-
лаш, муҳокама этиш, голиб асар-
ларини белгилаш қўрик-танлов
ҳайъати зиммасида бўлади.

Голиб асарларнинг муаллифла-
ри қуйидаги пул мукофотлари би-
лан тақдирланадилар:

Роман ва қиссалар учун -- 10
минг сўм

Йирик шеърий асарлар учун --
10 минг сўм

Шеърлар, таржима асарлар учун
-- 5 минг сўм

Ҳикоялар, бадий публицистика
учун -- 5 минг сўм

Қўрик-танлов ҳайъати танлов го-
либларини ҳар йили Мустақиллик

байрами арафасида эълон қи-
лади.


Голиб асарлар бир йил ичи-
да нашр этилади.

Муаллифлар насрий асар-
ларни Ғ.Ғуллом номидаги Ада-
биёт ва санъат нашриётига,
шеърий ва таржима асарларни
«Ёзувчи» нашриётига, бадий-
публицистик асарларни «Ўзбе-
кистон» нашриётига, адабий-
тарихий меросимизга оид янги
топилма ва тадқиқотларни А.
Қодирий номидаги халқ ме-
роси нашриётига 1995 йилнинг 1
июнига қадар ёзув босмада 2
нусада топширишлари керак
(700129, Тошкент шаҳри, На-
воий кўчаси, 30-уй).

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитаси.

Reebok

REEBOK фирма дўкони спорт буюмлари
ишлаб чиқарадиган дунёда энг йирик
компания маҳсулот - дидингизга мос спорт
кийимлари ва оёқ кийимларини таклиф этади.



Дўкон манзили: Жуковский
кўчаси, 145-мактаб яқинида
"Селам" дўкони.

REEBOK - доимий
ёшлик, гўзаллик ва
соғлиқдир.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газета ҳар ҳафтада 5 марта чиқади

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун «Халқ сўзи» газета-
сига обуна барча алоқа бўлимларида
қабул қилинмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ ФУҚАРОЛАР
УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ
йиллик обуна баҳоси - 276 сўм
олти ойга - 138 сўм
уч ойга - 69 сўм
бир ойга - 23 сўм

ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
УЧУН
бир йилга - 624 сўм
олти ойга - 312 сўм
уч ойга - 156 сўм
бир ойга - 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР,
«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА
БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Ташкилот қора-оқ рангли "Семург" телевизори ва
"Везелица" кир ювиш машиналарини пул ўтқазиб
йўли билан сотади.

Техникавий маълумотлари:

-"Семург" телевизори (қисмлари чет элики, Ўзбекистонда
йиғилган): 31/36 см.ли кинескоп, овоз қуввати 1 ВТ (МАКС), оғирлиги
8 кг, видеомагнитофонни улаш мумкин бўлади, оддий ва дециметрли
каналларда ишлай олади, ўзининг иккита (оддий ва дециметрли)
антеннасига эга, 12 вольтли аккумуляторга улаш мумкин бўлади.
-"Везелица" кир ювиш қуритиш машинаси: Белгород шаҳрида
(Россия) ишлаб чиқарилган, оғирлиги 12 кг, икки тартибда (ювиш
ва қуритиш) ишлайди: 2 кг қуруқ кирни ювиш ва 1 кг. қуритишга
мўлжалланган.

Нархи бозор баҳосидан арзон.

Тошкент шаҳридаги телефонлар:

77-27-93, 77-96-43, 77-27-64, 77-96-48.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,
корхоналари ва ташкилотлари диққатига.

Ўзбекистон пайчилик тижорат саноат-қурилиш банки

150 000 000 сўмлик

устав фондини ташкил этган акцияларнинг олтинчи эмиссиясини

эълон қилади.

Акцияларнинг 100, 1000 ва 10 000 сўмлик

сертификатлари сотилади.

Банкининг акционерни бўлсангиз, маблағингиз сақланишига ва

қўлайлигига кафолат берамиз.

Ўзсаноатқурилиш банки акцияларини харид қилинг!

Акцияларни харид қилиш бўйича ва ўзингизни қизиқтирган бошқа
саволларга қуйидаги манзилдан тўлиқ жавоб олишингиз мумкин:
қимматбаҳо қозғалар бўлими, Тошкент шаҳри, А.Тўқай кўчаси, 3. (Олой
бозори ва бош почта биноси ёнида), 610 хона, тел. (3712) 33-24-86,
шунингдек банкимизнинг республикадаги барча вилоят, туман бўлимлари
ҳодимлари сизнинг хизматингизга тайёр!

Спорт

«НЕФТЧИ» — ЧЕМПИОН

Футбол бўйича Ўзбекистон учинчи миллий чемпионати якунланишига икки тур қолганда фарғоналиклар учинчи марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритишди. Улар яқинба кунги «Орол» жамоасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бу ҳуқуққа эга бўлишди. Чемпионат тўпурари Равшан Бозоров ушбу учрашувда уч тўп муаллифи бўлди.

Шунингдек 28-тур «кумуш» медал соҳибини ҳам аниқлади. Ўз майдонида МХСК жамоасидан устун келган (1:0) Бухоронинг «Нурафшон» клуби ўз тарихида биринчи марта мамлакат чемпионатини иккинчи ўрин билан якунлашга эришди.

«Бронза» медал учун

кураш давом этапти. Бошқа жамоаларга кўра бу борада «Навбахор»нинг имконияти каттароқ. Наманганликлар ўз рақобатдошларидан очколар бўйича бироз олдинда боришяпти. Лекин «Навбахор»нинг сўнгги турда яна бир «бронза» даъвогарини МХСК жамоасига қарши сафарда майдонга чиқишини инобатга олсак ваъият яна чигаллашади. 29-турда эса «Навбахор» «Янгир»нинг меҳмони бўлса, МХСК ўз майдонида «Атласчи»ни қабул қилади.

«Бронза» даъвогарлари сафига «Темирийўлчи»ни ҳам қўйиш мумкин. Қўқонликлар сўнгги икки учрашувни «Трактор» ва «Чирчик» жамоаларига қарши сафарда ўтказди.

Олий лигани тарқ этувчи икки жамоа ҳам сўнгги турда аниқ бўладиган кўринади. Айниқса, келгуси турдаги «Чирчик» — «Гулистон» учрашуви бу борада ҳал қилувчи рол ўйнайди.

28-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Гулистон» — «Наврўз» — 2:1, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Атласчи» — АСК — 3:1, «Орол» — «Янгир» — 1:0, «Полиотдел» — «Трактор» — 1:0, «Пахтакор» — «Чирчик» — 6:1.


«Полиотдел» — «Чирчик» — 0:1 (кечиктирилган учрашув).

Тўпурарлар баҳсида «Нефтичи» ўйинчиси Равшан Бозоров 27 тўп киритган ҳолда пешқадам

лик қилипти. Олег Шапких («Полиотдел») ҳисобида 19 тўп бор.

Навбатдаги тур учрашувлари 24 ноябрь кунги ўтказилади.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: «Нефтичи» ўйинчиси Рустам Дўрмонов ҳужумда.



ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтичи»	28	20	8	0	78-32	48
2. «Нурафшон»	28	19	4	5	59-28	42
3. «Навбахор»	28	16	6	6	56-24	38
4. «МХСК»	28	14	7	7	53-27	35
5. «Темирийўлчи»	28	15	4	9	50-36	34
6. «Полиотдел»	28	14	6	8	43-32	34
7. «Пахтакор»	28	12	9	7	54-35	33
8. «Сўғдиёна»	27	13	5	9	48-31	31
9. «Трактор»	28	9	7	12	25-31	25
10. АСК	28	10	3	15	37-48	23
11. «Наврўз»	28	10	3	15	31-45	23
12. «Янгир»	28	7	6	15	39-43	20
13. «Атласчи»	28	6	7	15	28-51	19
14. «Орол»	29	6	3	19	28-63	15
15. «Гулистон»	28	6	2	20	15-62	14
16. «Чирчик»	28	6	2	20	26-76	14

Рекордлар, воқеалар, натижалар

«ЕЛИМАЙ»НИНГ КУТИЛМАГАН «СОВГА»СИ

Футбол бўйича Қозғистон чемпионати ўзига хос «сенсация» билан якунланди. Ўтган йилги чемпионат якунига кўра Семипалатинскнинг «Елимай» жамоаси олий лигани тарқ этиши керак эди. Бироқ олий лига вакили Алматининг «Достик» жамоаси тарқалиб кетиши муносабати билан «Елимай» мамлакат чемпионатининг кучлилар таркибида қолди. Олий лигада ўтган мавсумнинг энг кучсиз жамоаси саналган ана шу команда бу йил Қозғистон чемпионати бўлди. Мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони — «Анса» клуби «Елимай»дан 6 очко ортда қолди.

ФУТБОЛИМИЗ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

Мамлакатимиз футболни яна бир ўзига

хос воқеа арафасида турибди. Футболимиз тарихида биринчи марта Европа мутахассиси Ўзбекистон футбол клубига, яъни «Пахтакор»га устозлик қилмоқчи.

Шу мақсадда голландиялик мураббий Ханс Феллер мамлакатимизга келди. У «Пахтакор» ва «Трактор» учрашувини кузатди. Х. Феллерга пахтакорчилардан Ш. Мақсудов, М. Отажонов ва А. Маъруфалиевнинг ўйини ёққан. «Пахтакор»ни қабул қилиши масаласига келсак, ҳозирча у бирор қарорга келгани йўқ.

АФРИКА ОЛИМПИАДАНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚЧИ

Халқаро олимпиада кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч Жанубий Африка турнирларини кузатиш учун шу қитъага келди. Шунингдек, бу ерда унинг ЖАР президенти Нельсон Мандела билан учрашуви режалаштирилган. Учрашув чоғида 2004 йилги Олимпиада ўйинларини

Кейптаун шаҳрида ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинади.

13 МАТОНАТЧИНИНГ УРНИ БИЛИНДИ

Пойтахтимизда футбол бўйича ногиронлар ўртасида «Меҳр-шафқат-94» халқаро турнири ўтказилди. Финалда Тошкентнинг «Байналмилал» жамоасини 2:1 (қўшимча вақтда) ҳисобида мағлубиятга учратган Москванинг «Минкас» жамоаси халқаро турнир ғолиби бўлди. Дунёга машҳур «Матонат» клубимиз эса гуруҳ баҳсларида барча имкониятларни бой берди. «Матонат»нинг бу муваффақиятсизлигини ўтган йили жамоани бир йўла 13 нафар футболчи тарқ этгани билан изоҳлаш мумкин.

Р. ЭРМУХАММАД
«Халқ сўзи» мухбири.

Хотира

ИЛМ ЧИНОРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, техника фанлари доктори, профессор Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев ҳаёт бўлганда 75 ёшга тўлган бўларди. Негон! Одамлар ўтди, авлодлар ўтди, лекин улар эъзозлаган қадриятлар боқий яшаб қолади.



Ҳ. Усмонхўжаев Ўзбекистонда машиналар ва механизмлар назарияси бўйича мактаб яратган улкан олим эди. Устознинг маънавий мероси нафақат мамлакатимизда, шу билан баробар хорижий элларда ҳам халқ хизматида. Учта фундаментал монография, олий техника ўқув юртлири учун дарслик ва рисоалар, уч юздан ортиқ илмий-назарий, юзга яқин публицистик мақолалар, саксондан ошди авторлик гувоҳномалари муаллифи бўлган Ҳалим Ҳайдаровичнинг илмий қизиқиши ва ҳофиза кўлами гоят кенг эди. Устоз етакчилигида 40 га яқин фан номзоди ва докторлари етиштиб чиқди. Булар — устознинг илмий парвозини таъминлаган нурли қанотлари, ёруғ илмий-ижтимоий ҳаётини белгилаб келган шуълалар.

Ҳ. Усмонхўжаев самарали, файзли умр кечирди. Ҳар бир илмий маърузалари, чиқишлари, мақолалари, рисоалари, китоблари, диссертациялари, монографиялари —

барчаси фанда айтилган янги Сўз бўлди. Механизм илми — пахта саноати комплексининг пахтани териш, чигитидан толасини ажратиш, ип йигириш, газлама тўқиш ва тикув соҳалари машиналарининг унумдорлигини оширишга қаратилган ижодий изланиш Ҳалим Ҳайдаровичнинг асосий илмий йўналиши эди.

Пахтачиликда терим машинаси яратилганга қирқ йилдан ошди. Дунё пахтачилигида икки мамлакатда терим машиналари чиқарилади. Бизнинг мамлакатимизда тик-вертикал шпинделли машина, Америкада эса уфқий-горизонтал шпинделли машина. Уларнинг ўзaro фарқи терим аппаратларидаги асосий иш органи бўлган шпинделлар конструкцияси ва унинг жойлашиш ҳолати билан уни ҳаракатта солувчи механизмдир. Бизнинг машиналарда қирқ йил ичида сифат жиҳатдан кескин ўзгаришлар бўлди. Хусусан, академик Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев етакчилигида яратилган таркибий-автомат шпинделлар қатор афзалликларга эга. Унинг тиш-

лари доимо тебраниб, ўзини-ўзи тозалаган ҳолда шпинделнинг териш қобилиятини доимо сақлаб қолади. Машина узуксиз ишлайди, шпинделларни ювиш шарт эмас, бинобарин пахтани тоза ва кўп таради.

Айтиш мумкинки, механизм илмининг динамика хусусияти кинематик жуфти яратилди. Бу янгилик ўзини-ўзи тозалаб берувчи таркибий автомат-шпиндел учун илмий жиҳатдан тақомиллаштиш имкониятини яратди: машинамизни дунё бозорига олиб чиқди, десак янгиликмаган бўларди.

Ҳ. Усмонхўжаев одамлар кўнглига, авлодлар юрагига, илм-фанда Сўздан дарахт экишга мушарраф бўлди. Бу — имон, эътиқод, ҳалоллик боқирлик заминидан қад кўтарган илм чинори. У одамлар бағрида, шогирдларининг кўнгли тўрида, келажак авлодлар тилида илм-фанда, гузаликка, маънавий комилликка меҳр бўлиб гуллаяпти, ифгор бўйлар таратапти.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
профессор.

ДИҚҚАТ!

Хайрия ташкилоти хотира музейи учун аҳолидан Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари бўлиши — Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатлар ҳарбий асирларининг 40-йилларда Ўзбекистон ҳудудида туришига оид ашёлар, ҳужжатлар, фотосуратлар, ёзма ва оғзаки хотиралар, шунингдек, бошқа моддий ва маънавий маълумотларни йиғади.

Мурожаат учун телефонларимиз:
(3712) 43—38—97; 75—03—81; 43—32—35.

Сотиб олинг ва эгалик қилинг!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Наманган вилояти филиали 26 ноябрда Чортоқ шаҳрида кўчмас мулк бўйича ким ошди савдосини ўтказди.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

"МЕНАҚШРОН" МАЖЛИСИ ХИЗМАТ ҚИЛИ

Наманган туман Тепакўрғон қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 15 минг сўм.

ЗАММОН

Чортоқ туман Короскон қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 40 минг сўм.

1-ДЎҚОН

Наманган шаҳар Марғилон кўчасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 15 минг сўм.

ДЎҚОН

Чортоқ шаҳар Фуркат номли истироҳат боғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

"СОҲИЛ" ЧОЙХОНАСИ

Чортоқ туманидаги Короскон қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

5-АРАЛАШ МОЛЛАР ДЎҚОНИ

Чортоқ туманидаги Короскон қишлоғида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ДЎҚОН

Чортоқ шаҳридаги Фуркат номли истироҳат боғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

56-ҚУРЛИШ МОЛЛАРИ ДЎҚОНИ

Чуёт туманидаги Варзик қишлоғида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

"ЛАЗЗАТ" ҚАЗВАХОНАСИ

Наманган шаҳар Уйчи кўчасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 300 минг сўм.

Норин туман Ҳаққуллоб шаҳар хўжалик ҳисобидида қурилиш ва таъмирлаш корхонасига (ҳозирда тугатилган) қарашли "Жук-А-06" автомобили.

Бошланғич баҳоси — 1,7 минг сўм.

"3АЗ-968М" автомобили

Бошланғич баҳоси — 1 минг сўм.
(Ушбу автомобиллар ҳозирда таъмирланганда мўҳтож).

Поп туман Дўстлик жамоа хўжалиги ҳисобидида "УАЗ-69" автомобили.

1967 йилда ишлаб чиқарилган. Таъмирланганда мўҳтож.
Бошланғич баҳоси — 1,5 минг сўм.

"КАЗ — 608" автомобиласи

1994 йилда ишлаб чиқарилган. Таъмирланганда мўҳтож.
Бошланғич баҳоси — 2,9 минг сўм.

Шунингдек савдога қуйидагилар ҳам қўйилади:

1 хонали хусусий квартира.
Совет тумани 5-микрорайонда жойлашган.
Бошланғич баҳоси — 10 минг сўм.

3-хонали хусусий квартира.
3-микрорайонда жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 22 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:

НАМАНГАН
(369-22) 6-36-38,
3-94-01,
6-37-79.

ЧОРТОҚ
(89-237) 21-235,
22-255.

ТОШКЕНТ
(3712) 67-32-71,
68-44-56.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун очик танлов эълон қилади.

Танлов шартлари: тавсия қилинадиган сценарийларда муаллиф Наврўз байрамидининг тарихий аъёнчаларини, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фолклор, этнографик манбалардан унумли фойдаланиб, республикада бу байрамни ўтказишда оммага алоқадор тажрибали ва ҳалқимизнинг орзу-истакларини, пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Навоий номидаги Ўзбекистон миллий бонг майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олган бўлмоғи лозим.

Танловга истак-хоҳиши бўлган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қатнашиши мумкин.

Танлов муддати: шу йилнинг 30 декабрга қадар.

Танловдан мақсад: Наврўз байрами аъёнчаларининг янги қирраларини очиб, мазмунан ва шаклан бойитиб, ама-да тадбиқ этиши.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

I ўрин — йигирма беш минг сўм.
II ўрин — ўн беш минг сўм.
III ўрин — ўн минг сўм.

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва машинкада уч пусхда қўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллиф ҳамфиҳр ва ҳамкорлик қиладиган режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамкорликда қатнашишлари мумкин. Сценарий кўлэмалари тахлил қилинмайдиган ва қайтарилмайдиган.

Танлов иштирокчилари исми-шарифи, касби, иш ва турар жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилага жўнатишлари лозим:

700129, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, 6-хона.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги.

Телефон: 44-63-73.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Бош боғхона бошқармаси кинологлар - итни ўргатиш ва ишлашга тайёрлаш бўйича махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни ишга тақлим қилади.

Мурожаат учун манзил:

700185, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 35.
Телефонлар: 76-86-61, 77-90-461.

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН РИГА
ЎРИТГИЧЛАР ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИНИНГ
МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЛИМИШ УТТИЗ ОЛТИ
САНОАТ ВА МАШИНИЙ (қандиллар, девор
чироқлари) ЎРИТГИЧЛАРНИ СОТУВГА
ЧИКАРАДИ.

ҲИСОБ-КИТОБ КЕЛИШУВ БЎЙИЧА.
Тел.: (3712) 67-28-71, 68-35-83.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сагаторов.
Навбатчи — Ҳ. Ҳойматов.